

**SPECIFIC PROBLEMS OF INTERSTATE MIGRATION PROCESSES IN THE EMPLOYMENT OF UZBEK WOMEN****M. M. Baltabaeva***associate professor, PhD**National University of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE****Key words:** Women, labor, migration, Uzbekistan.**Abstract:** This article highlights and analyzes the specific problems of interstate migration processes in the employment of Uzbek women.**Received:** 16.12.22**Accepted:** 18.12.22**Published:** 20.12.22**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ МЕҲНАТ БАНДЛИГИДА ДАВЛАТЛАРАРО МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС МУАММОЛАРИ****M. M. Балтабаева***доцент, PhD**Ўзбекистон Миллий университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** Хотин-қизлар, меҳнат, миграция, Ўзбекистон.**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон хотин-қизлари меҳнат бандлигида давлатлараро миграцион жараёнларнинг ўзига хос муаммолари мавзуси ёритиб берилган ва таҳлил қилинган.**СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖГОСУДАРСТВЕННЫХ МИГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ ПРИ ТРУДОУСТРОЙСТВЕ УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН****M. M. Балтабаева***доцент, PhD**Национальный университет Узбекистана**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ****Ключевые слова:** Женщины, труд, миграция, Узбекистан.**Аннотация:** В данной статье освещаются и анализируются специфические проблемы межгосударственных миграционных

КИРИШ

Бугунги кунда миграция муаммоси жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган энг долзарб муаммолардандир. Миграция атамаси латин тилидаги “migratio” сўздан олинган бўлиб, “кўчиш” маъносини англатади [1]. Аҳоли миграцияси деганда, кишиларнинг бир ҳудуд (давлат)дан бошқасига, аксарият ҳолларда йирик гуруҳларда ва йирик масофалар бўйлаб кўчиши тушунилади. Давлат ҳудудидан ташқарига кўчиб ўтган шахслар - эмигрантлар, мазкур давлатга кўчиб ўтувчи шахслар эса - иммигрантлардир.

Ҳар бир давлатда аҳолининг касбий даражаси, оилавий шароитларининг ўзгариши, билим олишга интилиши ва энг асосийси ҳудудлардаги мутахассисларга бўлган талаб ва иш ўринларининг етарли даражада мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб ички миграцион жараёнлар содир бўлади. Ташқи миграцион ўзгаришлар давлатнинг сиёсий аҳволи, иқтисодий ривожланиш даражаси ва аҳолининг бандлигини таъминланиш ҳолатига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан иқтисодиёти яхши ривожланмаган давлатларда бу жараёнлар кўпроқ кузатилади.

Аввало миграция билан боғлиқ жараёнлар, айниқса ташқи миграция ҳар бир давлатда муайян ташкилотлар орқали қонуний тарзда амалга ошади. Бироқ, бугунги кунда давлатлараро низолар, урушлар, табиий офатлар сабаб, иқтисодиёти яхши ривожланмаган мамлакатларда айрим ҳолларда ноқонуний миграция - одам савдоси ва бошқа жиноятларнинг содир этилиши кўпаймоқда. Шу муносабат билан жаҳондаги миграцион жараёнлар доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Миграцион жараёнларни ўрганар эканмиз, табиийки тадқиқотлар давомида қатор саволлар юзага келади: миграцион жараёнларда айнан кимлар иштирок этадилар, дунё давлатларида мигрант аёллар салмоғи қай даражада, муҳожирлар кўчиш жараёнини қандай ўтказди ва унинг янги жойга мослашуви қандай кечади? Бу каби саволларнинг юзага келиши бевосита бугунги кунда жаҳондаги кўплаб давлатлар аҳолисининг бандлиги борасида давлатлараро миграцион жараёнларнинг оммалашганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидаги жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёидаги туб ислоҳотлар, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлар сабаб, миграцион жараёнлар, айниқса ташқи миграция билан боғлиқ ҳолатлар юзага келди ва оммалашди.

XX асрнинг 90-йиллари бошлари Ўзбекистон оғир ижтимоий муаммолар гирдобиди қолиб, Собиқ Иттифоқ давридан иш билан таъминлашнинг норационал ва самарасиз тизими

мавжуд эди. Бу тизимга хос хусусиятлар рақамлар билан амалдаги ҳолатлар ўртасида катта тафовутлар борлигида, пинҳоний ишсизликнинг юқори даражаси, ишчи кучининг мавжудлиги билан унга бўлган эҳтиёж ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан номутаносибликнинг мавжудлигида намоён бўлди, натижада ўтиш даврида иш билан таъминлашда янги муаммолар билан бирга кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган эски муаммоларни ҳам ҳал этиш зарурияти юзага чиқди. Бозор ислохотлари натижасида кўплаб давлат корхоналарининг ёпилиши туфайли Россия, Туркия, Корея ва бошқа хорижий давлатларга пул топиш мақсадида фуқароларнинг ноқонуний йўл билан кетиши кучайди. Натижада, кўп ҳолларда ўзбек фуқароларининг одам савдоси қурбонига айланиши билан боғлиқ муаммолар юзага келди. Айниқса, улар орасида хотин-қизларнинг ҳам бўлиши жуда ачинарли эди. Қолаверса, оилаларда отаси ёки онаси четга ишлаш учун кетиши оқибатида айни ўсмир ёшидаги ўғил-қизларимизнинг назоратсиз қолиши натижасида ўсмирлар ўртасида жиноятчилик кўпайди[2].

Мигрантларнинг пул жўнатмалари республика иқтисодиёти тараққиётига яхшигина ҳисса қўшади. Меҳнат миграцияси ҳажмлари ошишини ҳисобга олганда, ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолиси меҳнат миграциясидан тушаётган умумий иқтисодий самара 2 млрд. АҚШ долларидан ошди[3]. Меҳнат мигрантлари кўпчилигида ўз оиласини боқиш учун пул топиш, моддий аҳволлари, уй-жойларини яхшилаш, фарзандларини ўқиши учун ёки даволанишга ҳақ тўлаш ва кам таъминланган қариндошларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсади туради.

Меҳнат мигрантларининг атиги 6-7 фоизи ишлаб топган пулларини ишлаб чиқаришга сарфлаш ва ўз ишини ташкил қилиш ниятлари бор. Аммо энг серғайрат ва ишчан иш кучининг республикадан чиқиб кетиши натижасида республика меҳнатга лаёқатли аҳолисининг бир қисмидан маҳрум бўлиши билан бирга республика меҳнат ресурсларининг сифат таркиби ёмонлашмоқда[4].

Бугунги кунда мигрантларнинг 47,5 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Улар кузатиб борувчи шахс сифатида эмас, балки тирикчилик воситаларининг асосий топувчиси сифатида миграция қиладилар.

Ўзбекистонлик фуқаролар ишлайдигон давлатлар асосан Россия, Қозоғистон, Туркия, Корея, БАА ҳисобланмоқда. 2018 йилда эса Ўзбекистондан кетган 2 593 700 нафар кишининг 80 фоизи Россияга, 15 фоизи – Қозоғистонга, кам қисми – Корея ва Туркияга иммиграция қилган. Иммигрантларнинг энг кўп қисми Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Наманган шаҳарларига тўғри келади [5].

Ўзбекистонлик аёллар меҳнат муҳожирлигига энг кўп борадиган мамлакат ҳамон Россия бўлиб турибди, пандемия шароитида Россиядаги ўзбек мигрант аёллари бир ярим миллионни ташкил қилган, улар ҳам ишсиз ва пулсиз қолишига қарамай, Россиядан кетишмаган, чнки

улар иш ўринларини йўқотишдан қўрқишади. Москва вилоятининг Домодедово шаҳарчасининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари раҳбарияти қуйи ишларга асосан мигрантларни ёллади, карантин шароитида Домодедово ҳудудида 70 фоиз аёлларнинг ишлаб турган жойлари пандемия сабабли ёпилган ва уларнинг ҳаёти оғир кечган.

Домодедово аэропорти ҳудудидаги ошхоналарда асосан ўзбекистонлик аёллар иш қисқаришига тушган, лекин карантин чекловлари юмшаб, кўплаб авиоқатновлар тикланиши билан аэропортда яна янги ходимлар ишга қабул қилиниши бошлаб юборилган. Лекин Россияга Ўзбекистондан келадигон мигрант аёлларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётганлиги сабабли тўланадиган иш ҳақининг миқдори пасаймоқда. Самолёт бортига чиқариладиган овқатларни қадоқлаш цехларида 12 соатлик иш шароитида ўзбекистонлик аёллар меҳнат қилади. Ишнинг 1 соатига 120 рубль ҳақ тўланади, лекин дам олиш ва ижра ҳақи аёлларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилади. Россиялик иш берувчилар ишга ўзбек аёлларини қабул қилишни исташади, чунки улар ўзбек аёлларини ҳар куни ишга чиқишига ишонишади, қолаверса кўшимча ишни ҳам рад этишмаганини қадрлашади [6].

Ўзбекистондан Россияга кириш чекловлари қўйилган пандемия шароитида олти юз мингга яқин муҳожирлар йўллар очилишини кутаётганлиги, улар орасида минглаб ўзбекистонлик хотин-қизлар оила боқиш, рўзғор тебратиш учун муҳожирликка отланишганлиги фактдир.

Бугунги кунда ярим миллиондан кўп ўзбекистонлик хотин-қиз чет элларда меҳнат муҳожирлигида. Ўзбек аёлларининг катта қисми Туркия ва Россияда ишлашмоқда. Туркияда ишлаш Россияга нисбатан қулайроқ, сабаби Россияда хужжат масаласи ҳамиша муаммо бўлган, шу сабабли кўплаб мигрантлар мамлакатдан чиқариб юборилган. Ана шундай мигрант аёллардан бири Фарғонадан, Олтиариқлик Раҳима Муродова икки давлатдаги муҳожир аёлларнинг иш шароитни таққослаб, Истанбулда ишлашни афзал кўради. У асосан оёқ кийимлари сотиладиган дўконда хизмат қилади, бир кунда 700-800 одам билан мулоқот қилади, кунига 2000-3000 долларлик буюртма олади. Унинг айтишича, Россиядагидан фарқли ўлароқ, Туркияда иш соати кўп эмас, ҳафтада бир кун дам олиш белгиланган. Ойлик маошидан ташқари, сотувчининг еб-ичиш ва уй ижараси тўлови харажатларини ҳам иш берувчи қоплайди [7].

Ўзбекистонлик яна бир мигрант аёл - Гулноза турмуш ўртоғи билан беш йилдан буён Дубайдаги супермаркетда ишлайди, уларнинг биргаликдаги ойлик даромади 3 минг доллар. Шундан 500 долларини ёшлар бошпана ижараси учун сарфлашади. Унинг фикрича БАА меҳнат қилаётган ўзбекистонликлар жуда кўп. Миграция қонунчилигини бузмасангиз, сиз билан бировнинг иши йўқ. У турмуш ўртоғи билан биргаликда ишлаб топган пулига Ўзбекистонда квартира ва машина олишга улгурган [8].

Ташқи миграциясида кўплаб учрайдиган ноқононий ҳолатларнинг энг оғриқли жиҳати аёлларни “ўз танасини” сотишга мажбурлашга қаратилган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардир. Афсуски, ўзбек миллатининг шаънига қора доғ бўлаётган ҳолатлар хорижий давлатларда фоҳишалик билан шуғулланаётган аёллар ичида ўзбек хотин-қизларининг борлигидир.

Одам савдоси қурбонларини тадқиқ қилувчи мутахассислар Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги Малайзия, Тайланд, Индонезия, Покистон ва Ҳиндистон каби мамлакатларда танасини сотаётган ўзбекистонлик аёллар кўплаб учрашини, уларнинг кўпчилиги иқтисодий қийинчиликлар боис бу иш билан шуғуллансалар, улар орасида одам савдоси қурбонлари ҳам кўп учрашини таъкидлашмоқда.

Аммо, “21-аср секс қуллари” номли ҳужжатли фильмда Тайландда фоҳишабозликни назорат қиладиган энг қудратли тўда ўзбеклардан ташкил топгани айтилади. Мамлакатдаги энг номи чиққан тўдалардан бири ўзбеклар томонидан назорат қилинади. Улар қашшоқликка юз тутган Ўзбекистондан аёлларни қонуний ишга жойлаштириш ваъдалари билан алдаб олиб келиб, кейин уларни фоҳишалик қилишга мажбурлашади. Ўзбеклар тўдаси шунчалик қудратлики, ўз бизнесини Бангкок марказида очиқчасига амалга оширади, дея таъкидланади National Geographic Freeland Foundation ташкилоти тайёрлаган ҳужжатли фильмда[9].

Дунёнинг барча минтақаларида одам савдоси қурбонларига айланган турли ёшдаги, турли миллат ва элатга мансуб эркак ва аёлларни учратиш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам одам савдоси қурбонларини аниқлаш учун USAID Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича Миллий комиссия ва маҳаллий ҳамкорлар, жумладан, комиссия аъзоси бўлган «Istiqlol Avlodi» ННТ билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги USAID 2005 йилдан бери Ўзбекистонга одам савдосидан огоҳлантириш ва қурбонларга ёрдам бериш учун 9,6 млн.доллардан ортиқ сармоя киритган. 2021 йилнинг октябрь ойидан 2022 йилнинг июлигача «Istiqlol Avlodi» нодавлат ноижорат ташкилоти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) кўмагида 35 нафар одам савдоси қурбони Ўзбекистонга қайтарилди[10].

2022 йилнинг 13 декабрь куни Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси Уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир натижасида Юқори Чирчиқ туманида яшовчи (М.У.) шахс наманганлик 19 ва 27 ёшли опа-сингилни алдаб, ишончига кириб, уларни мўмай даромад топишга ишонтириб, Тошкент-Ҳиндистон авиа йўналиши орқали фоҳишалик билан шуғулланишлари учун юбормоқчи бўлган вақтида Тошкент халқаро аэропортда қўлга олинган ва унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135 моддаси (одам савдоси) 2 қисми билан жиноят иши қўзғатилган[11].

2022 йилнинг ўтган даври мобайнида 8 та ҳолатда 15 нафар шахс қўлга олинган. Тадбирлар натижасида 12 нафар шахсининг, жумладан, 9 нафар аёлнинг одам савдоси қурбони бўлишининг олди олинишига эришилган. Одам савдосидан жабрланганларнинг барчасига тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари кўрсатилган.

Одам савдоси қурбонлари аниқлангач, уларнинг ортига хавфсиз қайтиши ва жамиятга қайта интеграциялашувини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Қайтган мигрантларга, шу жумладан, одам савдоси қурбонларига психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматлари кўрсатилади, касб-хунарга ўргатилади. Реабилитация хизматларидан ташқари одам савдоси қурбонлари хавфи остида бўлган шахсларга ёрдам кўрсатилади.

Бу каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган давлат сиёсатида хотин-қизларни бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам жуда долзарбдир. Шу жиҳатдан, Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2019 йил – —Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида ижтимоий соҳани янада ривожлантиришда хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш кераклигини таъкидлаб ўтиб, бу борада жорий йилда кўрилган амалий чораларга қарамай, ҳалигача оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар мавжудлиги ачинарли ҳолат эканлигини таъкидлагани ҳам бежиз эмас[12].

Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатдаги миграция жараёнларига алоҳида эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш бўйича қатор қонунлар ва меърий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларда меҳнат мигрантлари учун имтиёзлар ва енгилликлар белгилаб берилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, меҳнат миграцияси соҳасини комплекс таҳлил қилиш, хавфсиз, тартибли ва қонуний механизмларини жорий қилиш, меҳнат миграциясини тартибга солиш, мигрантлар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хорижда ишлаб топган даромадлари келгусида оиласи фаровонлигига, “ўз келажагига инвестор” тамойилига хизмат қилишига қаратилган ҳужжатларга зарурат борлигини кўрсатди[13].

2018-2020 йилларда ташқи меҳнат миграцияси йўналишида жуда муҳим қадамлар қўйилди. Соҳага доир 12 та муҳим ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та қарори, 1 та фармон, Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори қабул қилиниб, меърий-ҳуқуқий база яратилди. “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

2018 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлагш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб меҳнат шароити яратиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, касбий тайёргарлик ва чет тилларини ўргатиш, молявий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграциясидан қайтган шахсларни интеграцияси, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда [14].

Яқин йилларгача юртдошларимиз ўртасида ташқи меҳнат миграцияси фаолияти борасида турлича қарашлар мавжуд эди. Яъни, бундан 3-4 йил олдин фуқароларимиз чет элда ишлаш истагида бўлса, кимга мурожаат қилишни билмас, натижада ноқонуний, айланма йўллар билан хорижга чиқишга мажбур бўларди. Бу эса уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ кўплаб кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқарарди.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда тизим билан боғлиқ вазият тубдан ўзгарди. Бу – фуқароларимизнинг чет элда ишлаши учун шароитлар яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатли меҳнат бозори билан таъминлаш, юртимизга қайтиб келгандан кейинги тақдирига бефарқ бўлмаслик каби саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. Бу борада республикамызда **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги** фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимизнинг ташаббуси билан юртимизда бошланган “фуқаробай”, “хонадонбай” ўрганишлар бизни ҳам маҳаллага тушиб ўрганишга, одамлар билан ишлашга ўргатди. Ўрганишлар жараёнида юртимиздаги меҳнат мигрантлари сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 1,5 миллион нафарни ташкил этаётгани аниқланди. Бу эса Ўзбекистон аҳолисиغا нисбатан меҳнат мигрантларининг 4,4 фоизлик улуши мўътадил ёки нормал ҳолат ҳисобланади.

Охириги 10-15 йиллик амалиёт давомида бу соҳада кўплаб камчиликлар қаторида Юридик шахсларга Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш, уларнинг касбик малакасини ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш фаолиятлари билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари ташкиллаштирилган тарзда ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётган шахсларга 10 миллион сўмгача микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинди. Мураккаб молиявий аҳволга тушган меҳнат мигрантларига бериладиган бир марталик моддий ёрдам базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан икки баробаригача кўпайтирилди.

Хорижда ишлаб қайтиб келган шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаригача субсидия ажратилиши белгиланди. 2019 йилдан меҳнат мигрантларига уйлар ажратиш, кетиш харажатларини қисман қоплаш учун 2 миллион сўмгача микроқарз бериш, улар ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш учун субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси, Вазирлар Маҳкамасининг Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти ташкил этилди. Агентлик ҳудудий филалларининг раҳбарлари раҳбарлари – вилоят ҳокимларининг ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича ёрдамчилари этиб тайинланди ва уларга хорижий иш берувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш, шартномалар имзолаш ваколати берилди.

Кейинги тўрт йилда хорижий иш берувчилар билан олиб борилган музокаралар, истиқболли ҳамкорликка қаратилган келишувларда маълум бўлишича, ташқи меҳнат бозорида асосан умумқурилиш соҳаси усталари, ишлаб чиқариш, техник касблар, қишлоқ хўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича кичик мутахассисларга талаб юқорилиги аниқланди. Шу асосда, меҳнат мигрантларини 20 дан ортиқ касбга, рус, инглиз, корейс ва япон тилларига ўқитиш бўйича қисқа курслар йўлга қўйилди.

Меҳнат мигрантларини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам касб-ҳунар ва чет тилларга ўқитиш тизими йўлга қўйилди, бундан ташқари, мамлакатимизда хорижий давлатларнинг ўқув марказлари ташкил этилди. Жумладан, Россия Халқлар дўстлиги университети (РХДУ) билан тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-ҳунарга ўқитиш бўйича 25 та марказда ҳамда Тошкент, Фарғонадаги мономарказда рус тилига ўқитиш курслари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида РХДУнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди.

Россияда бўлган Ўзбекистон фуқароларини касб-ҳунар ва рус тилига ўқитиш мақсадида РХДУ ва “WorldSkills Russia” иттифоқи ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми асосида Россиянинг 7 та ҳудудидаги 14 та таълим муассасасида ўқув курслари ташкил этилди.

Халқаро тажриба ва амалиётларни ўрганиш натижасида кузатилган асосий жиҳатлардан бири шуки, меҳнат миграциясида иштирок этувчи фуқаронинг касбий малакаси ва чет тилини

билиш даражаси юқори бўлиши кафолатланган, илғор техника ва технологияга асосланган, юқори иш ҳақига эга бўлган иш ўринларида меҳнат фаолиятини амалга оширишида муҳим омил ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда 15 та “Ишга марҳамат” мономаркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида 30 та касб-хунарга ўқитиш маркази ва 136 та маҳаллада касб-хунар масканлари, 252 та турли вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат таълим муассасалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқаролар чет тиллари ва турли касб-хунарларга ўргатилмоқда. Хусусан, юртимиздаги касб-хунар марказларида 41,2 минг, Россиядаги касб-хунар марказларида 552 юртдошимиз ўқишга жалб қилинди.

Хорижий ҳамкорлар билан олиб борилаётган истиқболли лойиҳалар натижасида Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида Москва шаҳри Кўп тармоқли миграция марказининг филиали очилди. Хориждан қайтган меҳна мигрантлари бандлигини таъминлаш ва ички меҳнат бозорига реинтеграция қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида ишлаб чиқилган “Ягона миллий меҳнат тизими” ахборот тизими доирасида “labor-migration” дастурий мажмуаси яратилган.

Мазкур дастурда хорижда ишга жойлашиш, мавжуд бўш иш ўринлари, иш берувчилар тўғрисидаги ва соҳага доир бошқа маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. Бунинг натижасида хорижда ишлаш истагида бўлган фуқаролар мавжуд иш ўринлари ва уларга қўйилган талаблар билан танишиб бориш, иш берувчилар таклиф этган иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Қолаверса Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ҳукуматларо 8 та, идоралараро 7 та битим, МДХ доирасида 1 та битим ва 1 та конвенция, шунингдек, 203 та иш берувчи ва рекрутинг компаниялар билан шартномалар имзоланган. Шу билан бирга, ташқи меҳнат бозоридаги 259 та салоҳиятли иш берувчилар ва рекрутинг агентликлари билан музокаралар ўтказилиб, улардаги 69 мингга яқин бўш иш ўрни аниқланди.

Жумладан, Германиянинг “GfM GmbH & Co. KG” ва “HR ARENA GmbH” компаниялари билан онлайн учрашувлар ўтказилиб, Ўзбекистон фуқароларини Германия ҳудудида “дуал тизими” асосида ишга жойлаштириш бўйича Битим имзоланди.

Канададаги “Sobirovs Law Firm” фирмаси ва “Anori Management company” юридик фирмалари вакиллари билан онлайн форматда ўтказилган музокаралар натижасида келишувга эришилди, айни кунларда фуқароларимизни ушбу давлатга ишга юбориш жараёни бошланган.

Ҳозирги кунда хорижий давлатларда асосан ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишларидаги касбларга талаб юқорилигича сақланиб қолмоқда ва уларнинг иш ҳақи бораётган давлатидаги ўртача иш ҳақи миқдорларидан келиб

чиқиб турлича бўлади. Жумладан, Кореяда 1700-2000 АҚШ доллари, Россия ва Туркияда 400-600 АҚШ доллари, Қозоғистонда 300-500 АҚШ доллари.

Иш берувчилар билан тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида ташкиллаштирилган тартибда хорижда ишга жойлаштирилган фуқароларни ётоқ жойлари ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш мажбуриятлари юклатилади ва улар томонидан барча шароитлар яратилиши доимий назорат қилиб борилади.

Қайд этиш жоизки, кўпгина иш берувчилар ишга бораётган мигрантлардан касб йўналиши бўйича махсус ҳужжат сўрайди. Афсуски, кўпчиликда бундай ҳужжат мавжуд эмас. Жорий йилдан улар учун яна бир қулайлик яратилди. Ҳужжати йўқ, лекин ўз касбини аъло даражада биладиган фуқаролар, касбга ўқитиш марказларида тузилган махсус комиссияга ўз йўналиши бўйича имтиҳон топшириб, муфаккиятли ўтса, унга махсус сертификат берилади. Бу эса, ўз навбатида, ойлаб ўқиши учун кетадиган вақтни тежайди ва ортиқча сарф-харажат олди олинади. Унинг ўрнига шу касбни эгалламоқчи бўлган бошқа бир фуқаро касбга ўргатилади. Бу ҳар жиҳатдан фойдали бўлмоқда.

Меҳнат бозорига киритилган яна бир янгиликлардан бири, бу – хориждан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш ва ички меҳнат бозорига реинтеграция қилиш амалиёти йўлга қўйилгани. Шу мақсадда, хориждан қайтган меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари билан “маҳалла – меҳнат органлари – сектор – Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиали” тизими асосида индивидуал ишлаш ташкил этилди.

“Тадбиркор мигрант” лойиҳаси бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида хориждан қайтган фуқароларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа бўйича 955 фуқаро ўқитилди ва сертификатлар берилди. 4,9 минг нафарига тадбиркорлик қилиши учун субсидия, 1,4 минг нафарига имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

2020 йил ва 2021 йилнинг биринчи чорагида юртимизга қайтиб келган 541,6 минг меҳнат мигранти билан уйма-уй юрган ҳолда ўрганиш ўтказилиб, 364,3 минг нафарининг бандлиги таъминланди. Ўтган давр мобайнида хорижда ишлаб юртимизга қайтиб келган 1 миллион 334 мингдан ортиқ фуқаронинг қарийб 751 минг нафари бандлиги таъминланди, 14 мингдан зиёди касбга ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 мингдан ортиқ мигрантлар оилаларига турли йўналишда ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, хорижда қийин аҳволга тушиб қолган 266 нафар, Россия Федерацияси ИИВнинг вақтинчалик сақлаш марказларидан 4 минг 177 фуқаро ватанга қайтарилди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 322 мингдан зиёд меҳнат мигрантига ҳуқуқий, ижтимоий, моддий ёрдам, маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Меҳнат

мигрантларининг иш берувчилар томонидан тўланмай турган 1,6 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги иш ҳақи ва пуллик компенсациялари ундириб берилди.

272 нафар юртдошимизга 543 миллион сўм миқдорда микроқарзлар ажратилиши таъминланди, 81 минг 193 нафар меҳнат мигранти суғурта хизматларидан фойдаланди. Уларга кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш учун субсидия тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди.

2018 йилдан 2021 йилнинг биринчи чорагига қадар Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея, БАА, Туркия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларга 27 минг 670 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган бундай муҳим чора-тадбирлар меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат миграциясини қонуний ва тартибли ташкил этишдаги чора-тадбирларга қарамай, муаммолар ҳам анчагина:

- хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш;

- чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш;

- чет элда юртдошларимиз муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш;

- аввало ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрлаш зарур.

Республикамизда бугунги кунда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз умуман қўллаб-қувватлаш зарур бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги — “Темир дафтар”, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” ҳаётга татбиқ этилди.

Аммо, ушбу масала юзасидан ҳуқуқий асослар етарли даражада йўқ эди. Бир қатор ҳолатлар бўйича саволларга эса жавобларда мавҳумлик бор эди. Шу маънода ҳамда бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида 2021 йил 28 апрельда Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Темир дафтар”нинг юритилишига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Аёллар дафтари” юритилиши бўйича Маҳалла ва

оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда “Ёшлар дафтари” юритилишига Ёшлар ишлари агентлиги масъул ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, қарор билан ҳар бир дафтарни юритиш учун алоҳида вақтинчалик тартиблар тасдиқланди.

Унда мазкур 3 та дафтарга қандай фуқаролар ва оилалар киритилиши, уларга қандай тартибда ва қанақа кўмак берилиши ҳамда хизматлар кўрсатилиши бўйича йўналишлар, дафтардан чиқариш каби тартиблар аниқ қилиб белгиланган. Шунингдек, дафтарларга киритиладиган ҳар бир эҳтиёжманд оила ва фуқаролар Қарор иловасида кўрсатилган сўровнома асосида ўрганилади.

“Темир дафтар”га киритилган фуқаролар бўйича - бандликни таъминлаш, томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш, моддий ёрдам ҳамда тиббий хизмат кўрсатилади.

“Аёллар дафтар”ига киритилган фуқаролар бўйича - бандликни таъминлаш, томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, турар жой ижараси учун компенсация тўлаш, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

“Ёшлар дафтар”ига киритилган фуқаролар бўйича - касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, бандликни таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида йиллик ўқиш харажатларини тўлаб бериш, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Халқаро миграция ташкилоти ҳамкорлигида 2020 йил Тошкентда 18 декабрь – Халқаро мигрантлар куни муносабати билан “Пандемия шароитида миграциянинг янги тенденциялари, миграцияни бошқариш ва мигрантларни ҳимоя қилиш” мавзуида халқаро форум бўлиб ўтди. Тадбирда меҳнат миграцияси соҳасини янада такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, миграцияни бошқариш ва мигрантларни ҳимоя қилиш соҳасидаги замонавий тенденциялар масаласи муҳокама қилиниб, бу борада хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро тажриба алмашилди(7).

Ўзбекистондан хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган мигрантлар сони 2 млн 346 минг нафарни ташкил қилади. **Ташқи меҳнат миграциясининг маълумотларига кўра** 2022 йилнинг ўтган даврида 35 минга яқин ўзбекистонлик Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Германия, Англия ва бошқа Европа давлатларига ишга жўнатилган бўлиб, аксарият ўзбек муҳожирлари махсус малака талаб қилинмайдиган корхоналарда ишламоқда[15].

Жорий йилнинг бошидан 340 га яқин чет эллик йирик иш берувчи агентликлар билан миграция соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича музокаралар олиб борилди. Турли йўналишларда келишувларга эришилди. Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия ва Европанинг турли давлатларидан қурилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишчилар жалб қилинмоқда. Ишчиларга бўлган талаб анча юқори.

Меҳнат вазирлиги нима учун Ўзбекистонда фуқароларни хорижга ишлашга жўнатишдан аввал мажбурий ўқитишга қарор қилингани, шунингдек, қонуний ва ноқонуний мигрантлар ўртасидаги фарқларни тушунтириб берди. Тақдим этилган статистикага кўра, ҳозирда Россияда 600 минг ўзбекистонлик ҳужжатларсиз ишламоқда, 421 минг киши эса депортация қилиниб, Россия давлатига киришга тақиқ олган [16].

Ташқи меҳнат миграцияси қонуний йўл билан амалга оширилса, давлат муҳожирларнинг ҳуқуқларини 100 фоиз ҳимоя қилишга кафолат беради, охириги икки йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан фуқароларнинг 823 минг доллар миқдоридagi ойлик иш ҳақлари ва товон пулларининг тўлаб берилишига эришилган.

ХУЛОСА

БМТ маълумотига кўра, дунёдаги мигрантлар сони 272 миллион нафарни ташкил этади, бу дунё аҳолисининг 3,5 фоизидир, уларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантларидир. Агар ички мигрантлар ҳам қўшиб ҳисобланса, сайёрамининг ҳар еттинчи одами мигрантдир. Жаҳон миқёсида халқаро мигрантларнинг 52 фоизини эркеклар, 48 фоизини аёллар ташкил қилади[17]. Шундай экан, ташқи миграцион жараёнларда хотин-қизларнинг иштироки билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва бу борада ноқонуний жиноятларни олдини олиш вазифалари ҳамиша долзар бўлиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Миграция ҳақида Электрон ресурс: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/migratsiya-uz>.(Мурожаат қилинган сана 14.12.2022)

2.Балтабаева М.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки. Дисс. тарих фан.фалсафа докт. Тошкент, 2019 - Б.17.

3.Муртазаева Р.Х. Глобаллушв шароитида аҳоли миграциясининг феминизациялашуви. “Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили” мавзусидаги республика мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари . Тошкент, 2019 –Б.121.

4. Электрон ресурс: Россия, мигрантлар: Ўзбек аёллари пандемиядан қандай чиқмоқда? <https://t.me/bbcuzbek>.(Мурожаат қилинган сана 15.12.2022)

5. Электрон ресурс: Ўзбекистонлик аёллар нега Туркияда ишлашни танлашяпти?
<https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-5972432> (Мурожаат қилинган сана 14.12.2022)
- 6.Электрон ресурс: Ўзбек мигрантлари нима сабабдан Россияга орқа ўгирмоқда? <https://www.ozodlik.org> (Мурожаат қилинган сана 18.12.2022).
7. Электрон ресурс: Малайзия пойтахтида ўзбекистонлик фоҳишалар қўлга олинди www.ozodlik.org. (Мурожаат қилинган сана 18.12.2022)
8. Электрон ресурс: USAID 35 нафар одам савдоси қурбонини Ўзбекистонга қайтаришга ёрдам берди <https://www.gazeta.uz/uz/2022/07/22/victims/> [Мурожаат](#) қилинган сана 18.12.2022).
- 9.Электрон ресурс: Ўзбекистонлик қизларни Ҳиндистонга фоҳишалик қилиш учун юборадиган эр-хотин аниқланди. <https://www.darakchi.uz/uz/>
10. Электрон ресурс: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>(Мурожаат қилинган сана 18.12.2022)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. Халқ сўзи. 2017 йил 7 февраль.
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари. Халқ сўзи. 2020 йил.
13. Электрон ресурс: Меҳнат мигрантлари ҳуқуқи давлат ҳимоясида. yuz.uz. Сўнгги янгиликлар-mehnat-migratsiyasi (Мурожаат қилинган сана 18.12.2022).
14. Электрон ресурс: Хорижда бўлиб турган ўзбекистонлик мигрантлар сони қанча? <https://aniq.uz/Янгиликлар/> (Мурожаат қилинган сана 18.12.2022)